O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
INV.№

SHU AZIZ VATAN — BARCHAMIZNIKI

O'ZBEKISTON OVOZI

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

■ 2003-YIL ■ 21-OKTABR ■ SESHANBA ■ 123 (27.143) ■ uzbovozi@sarkor.uz ■ 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan.

ПАРИЖ СЮД — XI УНИВЕРСИТЕТИ СОВҒАСИ

Париж сюд — XI университети Европадаги машҳур олий ўқув юртларидан биридир. Ана шу катта нуфузга эга бўлган университет Бухоро давлат университетига ўн битта замонавий компьютер ва бошқа техника воситаларини совға қилди. Бу эса БухДУнинг иқтисодиёт факультетидаги ўқув-педагогик марказга асос солинишига туртки бўлди. Марказнинг қулайлиги шундаки, БухДУ талабалари энди Фарангистонга боришлари шарт эмас. Худди шу ернинг ўзида улар фаранг профессорлари маърузаларини бемалол тинглай оладилар.

Мамлакатимизда биринчи бўлиб йўлга қўйилган бу ўқув-педагогик марказнинг очилиш маросимида сўзга чиққанлар ҳар иккала нуфузли илм даргоҳи ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик бундан кейин ҳам мустаҳкамлажагини уқтирдилар.

Даврон БАҲРОНОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

ТОҒ НЕЪМАТЛАРИ

ТЕРМИЗ. (ЎзА мухбири Чори Тўхтаев). Узун туманидаги ўрмончилик хўжалиги тасарруфида 128 минг гектар ер бор. Хўжалик ҳудудига туташиб кетган Ҳисор тоғлари этакларида табиатнинг анвои неъматлари битади.

Шифобахш ўсимликлар орасида наъматакнинг ўз ўрни бор. Шу боис ўрмончилик хўжалигида бу доривор ўсимликни етиштиришга алоҳида эътибор берилади. Бу йил йигирма тоннадан зиёд наъматак йиғиштириб олиш режалаштирлган.

Ўрмончилар мевали ва манзарали дарахт кўчатларидан ҳам яхши даромад олади. Хусусан, улар бу йил ўттиз хилдаги 300 минг туп кўчат ўстирмокда.

«ШЎРТАН ГАЗ-КИМЁ» МАЖМУИ — ИҚТИСОДИЁТИМИЗ ХИЗМАТИДА



Қашқадарё табиий ва минерал ресурсларга бойлиги билан мамлакатимиз ижтимоий, иқтисодий ҳаётида алоҳида ўрин тутади. Воҳа, айниқса, нефть ва газ каби қимматбаҳо хомашёнинг йирик заҳирасига эга. Гази нодир кимёвий элемент — этан моддаси сероблиги билан машҳур. Этандан жуда кўп маҳсулот, жумладан, саноатбоп полимер ва пластмасса ажратиб олиш мумкин. Улардан эса ўнлаб тур маҳсулотлар тайёрланади.

«Шўртан газ-кимё» мажмуини қуриш тўғрисидаги ҳукумат қарори (1996йил)дан сўнг Ғузор туманида уч йил мобайнида умумий қиймати 1 миллиард 250 миллион АҚШ долларига тенг улкан бунёдкорлик ишлари амалга оширилди. 2001 йилнинг декабрида эса саҳрода қад ростлаган мажмуа маҳсулот бера бошлади.

Мажмуа директорининг ишлаб чиқариш бўйича ўринбосарининг айтишича, мажмуа ҳозир тўлиқ қувват билан ишламоқда. Саноатбоп хомашёлар — газ, полиэтилен грануласи, полиэтилен плёнкаси, суюлтирилган газ, газ конденсати, олтингугурт ва бошқа маҳсулотлар иқтисодиётимиз тармоқларига етарли миқдорда етказиб берилмоқда. Энг қувонарлиси, мамлакатимизнинг полиэтилен хомашёсига бўлган эҳтиёжи тўла қондирилибгина қолмай, муайян қисми Россия, Польша, Хитой, Эрон, Туркия сингари хорижий мамлакатларга ҳам экспорт қилинаётир. Масалан, ўтган йилнинг ўзида 1 миллиард 115 миллион куб метрдан ортиқроқ газ, 35 минг тоннадан зиёд суюлтирилган газ, 35,8 минг тонна газ конденсати, 15 минг тонна полиэтилен грануласи, жами 17 миллиард 111 миллион сўмликдан кўпроқ маҳсулот ишлаб чиқарилган. Жорий йилнинг тўққиз ойи кўрсаткичлари эса бундан-да салмоқли.

Ҳозир газ-кимё мажмуида 1 минг 800 нафардан кўпроқ ишчи-хизматчи меҳнат қилмоқда. Эътиборли жиҳати шундаки, ундаги ғоят мураккаб технология ва машинаускуналарни асосан ёш ўзбек мутахассислари моҳирлик билан бошқармоқдалар.

Бу ердаги иш фаолиятининг ўзи — бир мўъжиза. Барча иш бошқарув марказидан туриб бажарилади, қайси қурилмада қандай жараён кетаётгани, ишнинг мароми ва барча ўзгаришлар мунтазам кузатувда бўлади. Марказ ҳар қандай шароитда барқарор ишлашга мослаштирилган. Ҳарорат қишин-ёзин мўътадил — 23-25 даража сақлаб турилади.

— Мажмуамизни асосан икки қисмга — этилен ва полиэтилен цехларига ажратиш мумкин, — дейди бошқариш бўлими бошлиғи Б.Абраев. — Айни вақтда, қўшимча цехлар ҳам бор. Улар шу икки цехни керакли ёрдамчи энергетика ресурслари билан таъминлаб туришга хизмат қилади. Газ ажратиш қурилмасида Шўртан газ конларидан келаётган табиий газ таркибидан метан, пропан, бутан ва газ конденсати ажратиб олинади.

«Шўртан газ-кимё» мажмуи ишга тушганидан буён мамлакатимизнинг пахта саноати, пластмасса, плёнка, кабель тайёрлаш ва қадоқлаш тармоқларида ўзимизнинг полиэтилендан кенг фойдаланилмоқда. «Совпластитал», «Жиззахпластмасса», «Қаршитермопласт», «Андижонполиэтилен» «Бешариқплёнка», каби ўнлаб қўшма корхоналар завод маҳсулотларининг фаол ҳаридорларидир.

❖❖❖

Суратларда: «Шўртан газ-кимё» мажмуи кўриниши; қадоқлаш цехи ходимлари У. Муродов ва Р. Маҳмудов.

Ш.ШАРОПОВ (ЎзА) олган суратлар

ЎЗБЕКИСТОНДА ҲИНДИСТОН КЎРГАЗМАСИ

Куни кеча Тошкентда Ўзбекистон Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси Ҳиндистоннинг «SAVERS-IMPEX» компанияси билан биргаликда Ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги, Экспортни ривожлантириш кенгаши ҳамда Ҳиндистоннинг мамлакатимиздаги элчихонаси кўмагида ташкил этган «SAVERS MINITECH International ExpoTashkent 2003» кўргазма-савдоси бўлиб ўтди. Кўргазма юқори савияда ташкил этилган бўлиб, унда Ҳиндистоннинг тўқимачилик, кимё, фармацевтика, озиқ-овқат, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш, матбаа ва қадоқлаш буюмлари саноати учун ускуналар ишлаб чиқарувчи 35 та йирик компанияси иштирок этди.

Кўргазма-савдо муваффақиятли ўтиб, унда республиканинг барча ҳудудларидан турли ташкилотларнинг 2000 дан ортиқ вакили ташриф буюрди. Кўргазмага қўйилган барча ускуналар сотилди, Ҳиндистон компанияларининг умумий қиймати 800 минг АҚШ долларига тенг 300 турдаги ускуна ва технологияларини сотиб олиш ҳақида англашув баённомалари имзоланди.

Умида МАНСУРОВА

ВИЛОЯТДА БИРИНЧИ

Андижон. (ЎзА мухбири С.Шукуров). Жалақудуқ тумани пахтакорлари Андижон вилоятида биринчи бўлиб давлатга пахта сотиш шартнома режасини бажарди. Давлат хирмонига 19880 тонна пахта топширилди. Ўртача ҳосилдорлик гектаридан 29,5 центнерни ташкил қилди.

— Бу йил осон келмади, — дейди туман ҳокими М.Эгамова. — Баҳорги ёғингарчиликлар чигитни бир неча марта такрор экишга мажбур қилди. Деҳқонларимиз далада ўз кучини аямасдан меҳнат қилгани учун улардан миннатдормиз.

Туман пахтакорлари йиғим-терим суръати юқори бўлгани боис қисқа вақт ичида мавсум илғорларидан ўзиб кетди. Айрим кунлари терим суръати беш фоизни ташкил этди. Туман ҳозир ҳам ушбу кўрсаткич бўйича вилоятда пешқадамлик қилаётир. «Ғайрат» ширкат хўжалиги Жалақудуқ туманида ўз мажбуриятини биринчи бўлиб уддалади. Туман пахтакорлари ғалаба марасига етган куни режани 30 фоиздан ошириди. Йиғим-теримда «Қатортол», «Пахтакор», «Ерқишлоқ» каби ва бошқа хўжаликлар ҳам хирмонга салмоқли ҳисса қўшди.

ГУЛИСТОН «КУМУШ ТОЛА»ЧИЛАРИ



Гулистон шаҳрида «Кумуш тола» саноат корхонаси ишга тушди. Бу шаҳар саноати учун ўзига хос янгиликдир. Чунки у пиллани қайта ишлашга ихтисослаштирилган ягона корхона. Яна бир эътиборли томони — у қашқадарёлик саноатчилар билан ҳамкорликда барпо этилди. Бу эса замонавий саноатни ривожлантиришда ички имкониятлар ҳам талайгина эканидан далолатдир.

Ҳозирча янги корхонада 12 та дастгоҳ ишлатилмоқда. Мутахассисларнинг таъкидлашларича, «Кумуш тола» корхонаси тўла қувват билан ишлай бошласа, бу ерда 80 га яқин киши фаолият юритади ва йилига 32 тонна пилладан ипак олиш мумкин бўлади. Ҳозир ана шу имкониятлардан фойдаланиш йўлида саъй-ҳаракатлар олиб борилмоқда.

Абдужалил УМАРОВ

❖❖❖

Суратда: «Кумуш тола» саноат корхонасининг илғор ишчиси Нигора Кўбаева.

Илҳом ТЎРАЕВ (ЎзА) олган сурат

ВАТАН ҲИМОЯСИ — БУРЧ, ИШОНЧ, ШАРАФ

Республика Вазирлар Маҳкамасининг «Муддатли ҳарбий, муқобил хизматнинг белгиланган муддатларини ўтаб бўлган фуқароларни бўшатиш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларига навбатдаги чақирув тўғрисида»ги қарорига биноан Тошкент вилояти йиғув пунктида ҳарбий хизматга юборилаётган йигитларни тантанали кузатиш маросими бўлиб ўтди



Бу йилги чақирув аввалгиларидан фарқ қилади. Негаки, ҳарбий хизматнинг нуфузи ортиб бораётир. Армиямизнинг асоси бўлмиш оддий аскар ва сержантларнинг ижтимоий муҳофазаси кучайтирилди. Шахсан Юртбошимизнинг ташаббуси ва ғамхўрлиги билан Қуролли Кучларимиз ихчамлаштирилди ҳамда энг замонавий қурол-яроғ ва техника билан таъминланди.

Ватан ҳимоячиси, аскар бўлишни ҳар бир йигит орзу қилади. Лекин уларнинг ҳаммаси ҳам муддатли ҳарбий хизматга олинавермайди. Синовлардан муваффақиятли ўтган, соғлом ва мард йигитларгина танлаб олинади. Шунинг ўзи ҳам мамлакатимизда ҳарбий соҳада жуда катта сифат ўзгариши бўлганидан далолат беради.

Жамоатчилик вакиллари, ота-оналар иштирок этган тадбирда сўзга чиққан Тошкент вилояти ҳокими ўринбосари Абдукарим Раҳимбердиев йигитларга оқ йўл тилар экан, жумладан шундай деди:

— Сизлар ҳарбий хизматга бориш истагида юрган кўплаб ёшлар орасидан саралаб, танлаб олиниб, ҳарбий хизматга жўнаб кетяпсизлар. Сиздай ўғлонларга ота-оналар, халқимиз ишонади. Ҳарбий хизматнинг машаққатли синовларини енгиб, Ватанимизнинг муносиб ҳимоячилари бўлишдек шарафли ишда ҳаммаларингга муваффақият тилаймиз.

Фарзандларини ҳарбий хизматга жўнатаётган ота-оналарнинг юз-кўзларида ҳаяжон.

— Бу ерга ўғлимиз Дамирбекни кузатгани онаси ва тоғалари билан келдик, — дейди Паркент тумани «Ҳисорак» қишлоғида яшовчи Сайфиддин Жўраев. — Йигит кишининг армияда хизмат қилиши шараф. Аслида армия — катта мактаб. Ана шу мактаб сабоғини олганлар кам бўлмайди.

— Очиғи, ҳозир ҳаяжонланяпман, — дея суҳбатга қўшилади Дамирбекнинг онаси Мавжуда опа. — Ўғлимизнинг бўйи етиб, йигитлик бурчини ўташ учун кетаётганидан хурсандман. Ишқилиб ой бориб, омон қайтсин.

Оҳангаронлик чақирилувчи Обид Умаралиев ҳам ҳадемай эгнига ҳарбий кийим кияди.

— Бир йил кўз очиб юмгунча ўтиб кетади, — дейди Обид. — Муҳими, Ватанга содиқ бўлиб, уни кўз қорачиғидек асрамоғимиз керак.

Унинг онаси Сайёра опа шундай деди:

— Ўғлимдан кўнглим тўқ. Юзимизни ерга қаратмайди. Қолаверса, фарзандларимиз ўзимизнинг юртда хизмат қилишади. Оналар учун энг муҳими шу.

Йиғув пунктида чақирилувчи йигитлар ва уларнинг ота-оналари, яқинлари билан бўлган мулоқотимиздан шу нарса маълум бўлдики, ҳарбий хизмат нафақат бурч, айни пайтда жуда катта масъулият, халқнинг ишончи, Ватаннинг суянчи.

Ҳарбий буйруқ берилди. Хайр-хўш қилиб йигитлар сафга тизилди. Паркентлик оқсоқол Шотурмон Шоназаров дуога қўл очади:

— Яратганнинг ўзи сизларни асрасин. Хизматни яхши ўтаб, ёруғ юз билан қайтинглар. Омин.

Равшан ШОДИЕВ

❖❖❖

Суратда: Тошкент вилояти йиғув пунктида Қуролли Кучларимизга юборилаётган йигитларни кузатиш маросимидан лавҳа.

Козимжон ЎЛМАСОВ олган сурат

«ТЕРРОРИЗМ, ДИНИЙ ЭКСТРЕМИЗМ ВА ГИЁҲВАНДЛИК — ИНСОНИЯТ ДУШМАНИ»

Самарқанд давлат архитектура-қурилиш институтида ўтказилган анжуман шундай номланди.

Тадбирда қатнашган вилоят ички ишлар, диний ишлар бошқармаси, прокуратура, миллий хавфсизлик хизмати ходимлари диний экстремизм ва терроризмнинг бутун жаҳон халқлари бошига солаётган кулфатлари, гиёҳвандлик кўчасига кириб қолаётган ёшларнинг ачинарли тақдири, ҳуқуқбузарлик оқибатида келиб чиқаётган муаммолар хусусида талабалар билан баҳс-мунозаралар ўтказди.

Шу мазмундаги тадбирлар Самарқанддаги бир қатор олий ўқув юртларида ҳам бўлиб ўтди.

Шуҳрат ҚАРШИЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

ЖЎЖАНИ КУЗДА САНАЙДИЛАР...

ЮНИСЕФнинг «2003 йил ижтимоий мониторинги» тадқиқоти якунларини ўқиб кўнгилдан кечган мулоҳазалар

Шарқда «мучал», «мучал тўйи» деган азалий тушунчалар бор. Мучал ҳақидаги маълумотлар кўплаб манбалар, жумладан, Абу Райҳон Беруниийнинг «Осор ал-боқия», Маҳмуд Қошғарийнинг «Девони луғотат-турк» асарларида баён этилган. Энг эзгу инсоний қадриятлар даражасига кўтарилган ушбу тушунчалар ўзбек халқининг ҳам қону жонига сингиб кетган. Кўпчиликнинг фикрича, мучалнинг келиб чиқиши аждодларимизнинг коинот-борлиқ ривожланишидаги даврий цикл ҳақидаги тасаввурларига бориб тақалади. Унга кўра, ўн икки йил тараққиётнинг яхлит бир босқичини ташкил этади.

Тараққиёт, ривожланиш йўлидаги ҳар бир босқичнинг тугалланиши эса мантиқий равишда, унинг натижаларини баҳолаш ва навбатдаги вазифаларни режалаштиришни тақозо қилади. Бу ҳамма нарсага — муайян инсон ҳаётидан бошлаб, жамият, мамлакат, ҳатто халқаро ҳамжамият тараққиётигача тегишли десак, хато бўлмас. Мазкур маънода, 2003 йил Янги Ўзбекистон юксалишида ҳам шундай палла бўлди. Уни, ҳеч бир муболағасиз, мамлакатимиз тараққиётидаги муҳим тарихий босқичнинг мантиқий ниҳояси, босиб ўтилган йўлга жиддий ва талабчанлик билан қараш, эришилган натижаларни чамалаш вақти, дейишга барча асослар бор.

Шарқда, айниқса, мусулмон Шарқида яна бир азалий удум бор. У ана шундай қутлуғ муносабатлар билан бир-бирини муборакбод этиш, қондош ва жондошларнинг камолидан қувониб, уларга янги ютуқлар тилаш билан боғлиқ. Ушбу удумлар асрлардан асрларга кўчиб, инсонни янги уфқларга илҳомлантирмоқда. Унинг руҳига мадад, маънавий оламига қувват, жисмоний ғайратига ғайрат қўшиб келмоқда.

2-бет

BANK XALQ BANKI
ХАЛҚ БАНКИ — СИЗНИНГ ОИЛАНГИЗ БАНКИ

O'ZBEKISTON HAVO YO'LLARI
TOSHKENT XALQARO AEROPORTI

BUSINESS BANK
БИЗНЕС БАНК
ЭНГ ЯХШИ АНЪАНАЛАРДА

Бугуннинг гапи

ИЧКИ ВАЛЮТА БОЗОРИНИНГ ЭРКИНЛАШУВИ — ИҚТИСОДИЁТИМИЗ БАРҚАРОРЛИГИ ОМИЛИ

2003 йилнинг 15 октябридан Ўзбекистонда жорий операциялар бўйича сўмнинг эркин алмаштирилиши расман йўлга қўйилди. Бу эса иқтисодиётнинг барқарорлашуви, инфляция даражасининг пасайиши ва инвестиция жараёнига ижобий таъсир кўрсатиши, шаксиз. Чунки, ички валюта бозорининг эркинлашуви товарлар экспорт-импорти, валюта олди-сотдиси, молиявий операциялар ва савдога алоқадор бўлмаган пул ўтказиш тўловларининг эркинлашувига олиб келади.

Шу нуқтаи назардан мазкур жараён ҳозир жисмоний ва юридик шахсларни бирдек қизиқтириб келмоқда. Мухбиримиз акциядорлик тижорат «Ўзсаноатқурилиш» банк бошқаруви раиси муовини Муҳаммаджон МИРЗАБОЕВга саволлар билан мурожаат қилди.

— Эркин валюта тизимига ўтиш ўз-ўзидан амалга ошмайди, албатта. Бу жараён банклар зиммасига катта масъулият юклайди. Шу нуқтаи назардан бугунги кунда банкларда олиб борилаётган тайёргарлик ишлари қандай бормоқда?

— Энг аввало, шуни айтиш керакки, жорий халқаро операциялар бўйича сўмнинг эркин алмаштирилишини расман йўлга қўйиш — ташқи иқтисодий алоқаларнинг эркинлашуви, резидент ва норезидентлар учун миллий валютани алмаштиришда ҳеч қандай тўсиқлар бўлмаслигини таъминлайди. Республикада фаолият юритаётган ҳар бир банк бу жараёнларга тайёр бўлиши шарт. Керагича валюта ва миллий сўм маблағларини заҳиралаш, бенакд валюта операциялари ўтказмоқчи бўлган ташкилот, корхона, фирмаларнинг талабномаларини кўриб чиқиш ҳамда талабномада кўрсатилган валютани ҳисоб рақамларига ўтказиб бериш, банк ва унинг шахобчаларида ишни тўғри ташкил қилиш учун ходимлар билан семинар машғулотлари ўтказиш асосий фаолиятимизга айланди.

— Валюта айирбошлаш учун фуқаролар қай тартибда мурожаат этишлари лозим?

— Шу вақтгача аҳоли нақд сўмларини маълум бир муддатда бир маротаба валютага алмаштириш ҳуқуқига эга эди. 15 октябрдан эътиборан Ўзбекистон Республикасининг барча банкларида валюта муомиласи расман эркин равишда амалга оширилмоқда. Валюта айирбошлаш учун фуқаролар шахсини тасдиқловчи ҳужжат, яъни паспорт билан мурожаат этса бас.

— Ташкилот, фирма, корхоналар учун валюта айирбошлаш операциялари тартиби ҳақида ҳам тўхталсангиз.

— Улар хизмат кўрсатадиган банкка мурожаат этиб, тегишли корхона ва божхона органларидан рўйхатдан ўтган шартнома, етарлича миллий валюта ҳамда корхонанинг банкка мурожаатномасини тақдим этишлари лозим. Сўнгра уч кун мобайнида исталган ҳажмдаги валюта операцияси амалга оширилади.

— Тўғриси, конвертация жараёни давомийлигига ишончсизлик билан қараш ҳоллари ҳам йўқ эмас. Бу вақтинчалик бўлса керак, деган миш-мишлар ҳам бор...

— Албатта, ҳар қандай янгилик шов-шувсиз кечмайди. «Валютани эркин айирбошлаш давомийлигига тўла асос бор. Республикамизнинг жамғарилган олтин-валюта заҳираси (четдан қарз олмадик!) сўмни эркин конвертация қилишга ўтиш учун зарур миқдорда тўпланди. Энди фуқаролар исталган ҳажмда валюта айирбошлашлари мумкин. Айни кунда 33 та банк фаолият олиб бораётган бўлса, биргина «Ўзсаноатқурилиш» банкининг ўзида 62 та валюта айирбошлаш шахобчаси мавжуд. Уларнинг 14 таси банк биноларида, 48 таси банк биноларидан ташқарида, бозорлар ва савдо дўконлари атрофида жойлашган.

— Валютани сотиш ва сотиб олиш курслари қандай бўлади?

— Валютани айирбошлаш курсларининг ўзгармаслигига эришиш учун жисмоний шахслар валютани эркин айирбошлаши, юридик шахслар эса нақдсиз ҳисоб-китоблар орқали сотиб олишдаги чеклашларга барҳам бериши — конвертациянинг асосий хусусиятларидан бири. Валюта сотиб олиш курси одатда сотиш курсига нисбатан бироз юқорироқ бўлади. Бу ҳар бир банкнинг қўйган ставкасига боғлиқ.

— Демак, банклар ўртасида ўзаро рақобат ҳам бошланади, шундайми?

— Бунчалик эмас, банклараро қўйилган ставка ўртасида бироз фарқ бўлади, холос. Ҳар бир банк устама нархини талаб ва таклифдан келиб чиққан ҳолда қўяди. Нарх — ходимлар ишига тўланадиган ҳақ, валютани олиб келиш харажатлари, қўриқлаш хизмати ва бошқа хил жиҳатлар умумлаштирилган ҳолда белгиланади.

Энди фуқаролар ўз қўлларидаги мавжуд миллий сўмни АҚШ долларига алмаштириб нарх-наво ошишини кутиб ўтиришларидан фойда йўқ. Конвертация учун Халқаро валюта жамғармасининг Ўзбекистон олдига қўйган талабларидан бири — валюта айирбошлаш курсларининг тўлиқ бир хиллигига эришиш эди. Юқорида таъкидлаганидек, энди валюта курслари ўртасида деярли фарқ бўлмайди. Таклифим, фуқаролар қўлларидаги мавжуд маблағларни банкнинг омонат жамғармаларига қўйсалар, маълум муддатларда фоиз даромадларини ҳам олиб туришади.

— Баъзи давлатлар эркин валюта тизимига бундан анча аввал ўтишган эди. Нима учун бизда эркин валюта тизими айнан бугун, мустақилликнинг ўн иккинчи йили амалга оширилди?

— Буни бозор иқтисодиётига босқичма-босқич ўтиш жараёни тақозо этди. Олиб борилган бир қатор тадбирлар, яъни божхона ишини тартибга солиш, сифатсиз маҳсулотлар Ўзбекистон ҳудудига олиб кирилишининг олдини олиш, ишлаб чиқаришни тўғри йўлга қўйиш, кичик ва ўрта бизнесни такомиллаштириш ва ниҳоят, бозорлар фаолиятини тартибга келтириш каби чоралар шунга шароит яратди.

Яна бир бор такрор айтиш жоиз, биз эркин валюта тизимига баъзи қўшни давлатлар каби катта миқдордаги қарз эвазига ўтганимиз йўқ. Аксинча, ўз олтин ва валюталаримиз заҳираси ҳисобига эришдик. Токи, авлодларимиз зиммасига аждодлар олган қарз юки тушмасин!

Назокат ҚОСИМОВА суҳбатлашди.

МИЛЛИЙ КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШДА ЎЗАРО ҲАМКОРЛИК

Германияда касбий таълим тизими бир асрдан ортиқ тарихга эга. Жамғарманинг бош ташкилоти Гамбургда жойлашган бўлиб, у Германиянинг 62 шаҳрида 86 маслаҳат ва таълим марказига эга.

Жамғарма вакилларининг 2003 йилнинг апрель ойида Ўзбекистонга ташрифи давомида мамлакатимиз Олий ва ўрта таълим вазирлигининг Ўрта махсус, касб-таълим маркази ва «Гроне» жамғармаси ўртасида ҳамкорликни ривожлантириш борасида ҳужжат имзоланди.

Келишувга асосан 2003-2008 йилларда 100 нафар ўзбекистонлик мутахассис учун йилига икки марта Германияда олти ойлик ўқув машғулотлари ташкил этилади. Бу эса ҳамюртларимизга енгил ва озиқ-овқат саноати, электротехника, радиотехника соҳаларида техник тайёргарлик курсларида таҳсил олиш имконини яратади.

Айниқса, ахборот технологиялари, тиббиёт, саноат ва аҳолига хизмат кўрсатиш соҳаларида ўзбекистонлик мутахассисларнинг малакаларини оширишларига алоҳида аҳамият берилади. Бу борада жамғарма билан Ўзбекистоннинг ахборот технологиялари институти ўртасида ўзаро ҳамжиҳатлик тўғрисида Меморандум имзоланган.

— Ўзбекистон жамғармамиз билан республика касбий коллежлари ва академик лицейлари раҳбарлари малакасини оширишда кўмак кўрсатиш тўғрисидаги ҳужжатни имзолаган Марказий Осиёда ягона давлатдир. Шунинг учун жамғарма МДҲ ҳудудида Ўзбекистонга ўзининг асосий шериги сифатида қарайди, — деб таъкидлайди «Гроне» жамғармаси президенти доктор Хельмут Роланд.

Аслам АКБАРОВ, «Жаҳон» АА

ИЧИМЛИК СУВИ ДАСТУРИ

Вобкент тумани Охунбобоев ширкат хўжалигидаги саккизта қишлоқ тоза ичимлик суви билан таъминланди. Бу ерда хўжалик маблағлари ва туман бюджетидан олинган маблағлар ёрдамида аҳолини сув билан таъминлашнинг узоқ муддатли дастури муваффақиятли амалга оширилмоқда.

Ишларни Бухоро шаҳридаги «Сахий» хусусий корхонаси бажармоқда. Хўжалик раиси Зариф Шодиевнинг маълум қилишича, Харгўш қишлоғида сув қувурларини тортиш ишлари бошлаб юборилди. Бу қишлоқда 1200 дан зиёд оила истиқомат қилади. Йил охирига қадар бу ерга ҳам тоза ичимлик суви келтирилади. «Ичимлик суви» дастури 2005 йилда тўла-тўкис ниҳоясига етказилади.

«Туркистон-пресс»

ЖЎЖАНИ КУЗДА

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Масаланинг яна бир муҳим жиҳати — сен қилган ишга холис бир тараф баҳо берса, у сенинг уруғинг, қуда-анданг бўлмаса — янада яхшироқ. Чунки холис тараф сенинг ютуғингни ҳам, нуқсонларингни ҳам бирдай очиқ гапиравераді. ЮНИСЕФ аббревиатураси билан машҳур БМТ Болалар жамғармасининг буюртмасига биноан халқаро экспертлар томонидан амалга оширилган Марказий ва Шарқий Европа ҳамда МДҲ мамлакатлари аҳолиси фаровонлиги даражасини ўрганишга бағишланган «2003 йил ижтимоий мониторинги» бундай ишончни янада кучайтиради. Зеро, у анчагина мамлакатлар, жумладан Ўзбекистоннинг ҳам 12 йиллик тараққиёти натижаларига холис баҳо беради. Уни ўқир эканман, хаёлимга мустақиллигимизнинг дастлабки йиллари, ундан кейинроқ ҳам узоқ-яқин кўни-қўшнилар биз танлаган йўл тўғрисида киноя билан айтган гаплар тушди. Доно боболаримизнинг «жўжани кузда санайдилар» деган ҳикмати нақадар ҳаётийлигига бугун яна бир бор иқрор бўлиб турибмиз.

Тўғрисини айтиш керак: мустақилликнинг илк давриданоқ Президент Ислом Каримов томонидан белгилаб берилган Ўзбекистон йўлининг тўғрилигини шубҳа остига олиб, унга тош отганлар бўлди. Бундайларнинг бир қисми, аввалбошда, ривожланишнинг ўзбек модели моҳиятини охиригача тушунмаган бўлса, айримлари, атайлаб, қасддан ҳам шундай қилдилар. Иккинчи тоифадагилар ҳали-ҳануз ўз интилишларидан воз кечганлари йўқ. Улар Ўзбекистон ютуқларини камситиш, у эришган натижаларнинг гўёки ноқислиги ёки ҳеч бўлмаганда, вақтинчалигига оддий одамларни ишонтиришга ҳамон ҳаракат қилиб келмоқдалар. Бунинг учун муайян сиёсий кучларнинг тўлиқ назорати остида ва буюртмасига мувофиқ «ижод қилаётган» статистик муассасалар томонидан тайёрланаётган қўлбола жадваллардан фойдаланмоқдалар. Уларни қўшнилар ҳақидаги маълумотлар билан примитив арифметик услубда таққослаб, ўзлари эришган чўққиларнинг маҳобатидан завқланмоқдалар. Энг таассуфлиси шундаки, бундайлар орасида бутун-бутун миллатларга доҳийликни даъво қилаётганлар ҳам учраб туради... Аммо, улар бундай носоғлом интилишларнинг нафақат қўшнилар, балки ўз уйларидаги маънавий муҳит учун ҳам нечоғлик зарарли эканлиги ҳақида жиддий ўйлашни хоҳламайдилар.

Назаримизда, ЮНИСЕФ ташкилотининг амалий тадқиқоти натижалари бундай иддаоларнинг ҳаётий воқеликдан қанчалик йироқлигини холис кўрсатиб берган ишончли ҳужжатдир. Ҳа, худди шундай. Чунки унда келтирилган рақамлар осмондан олинмаган, бирор-бир давлат, халқ ёки сиёсий кучни атайлаб кўкларга кўтариб, бошқаларига соя ташлашни кўзламайди: улар мавжуд воқеликни ўрганишдан келиб чиққан ҳаққоний хулоса, холос.

Мониторинг натижаларида келтирилган соф иқтисодий кўрсаткичларни ҳозирча бир четга қўйиб турайлик, уларга кейинроқ қайтармиз. Ундаги бошқа жиҳат муҳимроқ кўринади, у инсон билан боғлиқ масаладир. Ҳар қандай жамият ва мамлакат тараққиётининг ҳақиқий мезони унинг фуқаролари умумий фаровонлиги эканлиги ҳеч ким учун сир эмас. Айнан шунинг учун ҳам, Ўзбекистонда жамиятни модернизация қилиш концепциясининг моҳияти, аввалбошданоқ, «ислоҳотлар — ислоҳотлар ўтказиш учунгина эмас, балки ислоҳотлар — инсон учун» деган инсонпарвар формулада ифодаланди. Бундай ёндашувнинг ибратли натижаларини ЮНИСЕФ мониторинги аниқтиниқ кўрсатиб турибди. Шу ўринда уларнинг бевосита муайян шахс — инсон билан боғлиқ айрим жиҳатларини, қисқача бўлса-да, эслатиб ўтиш мантиқий кўринади. Зеро, айнан улар «фуқаролар ҳаёти фаровонлиги» деган тушунчани шакллантирувчи омиллардир.

Мамлакатимизда сўнгги 12 йил давомида изчиллик билан амалга оширилаётган аниқ мақсадларга йўналтирилган ислоҳотлар натижасида гўдаклар ўлими ҳар 1000 нафар чақалоқдан 18,3 тагача (шўро даврида — 38,1), ҳомиладор аёллар ўлими ҳар 100 мингтадан 33,5 нафаргача (собиқ тузум даврида — 42,4), ўзининг туб моҳиятига кўра, ғайриинсоний иш бўлган абортлар сони уч баробарга, оилаларнинг бузилиши 1,5 баробарга камайди.

Ҳуқуқий ислоҳот

НИЗОЛАШИШДАН КЎРА МУРОСА МАЪҚУЛ

Бугунги кунда қарз, олди-сотди, айирбошлаш шартномалари, мерос, васият, уй-жой билан, меҳнат муносабатлари, деҳқон ва фермерлик хўжаликлари муносабатлари билан боғлиқ низолар юзасидан судга мурожаат қилиш сезиларли даражада кўпайган.

Бу ҳолат фуқароларнинг ўз ҳуқуқ ва эркинликларини тобора кўпроқ тушуниб етаётганларидан, уларнинг ҳуқуқий онги ва маданияти ошиб бораётганидан далолат беради.

Бироқ, афсус билан айтиб ўтиш лозимки, охирги вақтларда ота-бола, ака-ука, қариндош-уруғ ўртасидаги низолар бўйича фуқаролик ишлари ҳам тез-тез учрайдиган бўлиб қолди. Баъзан эса фуқаролар ўз ҳуқуқларини билмай туриб фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларга киришиб, турли битим ва шартномалар тузадилар, бунда адвокатлар ёки юристлар билан маслаҳатлашиб иш тутмайдилар, оқибатда тарафлар ўртасида низо келиб чиқиб, ҳуқуқи бузилган тараф ўзининг бузилган ҳуқуқларини тиклашни сўраб судга даъво ариза билан мурожаат қилади. Масалан, бир фуқаро бошқа фуқарога қарз беради, лекин қарз берганлиги тўғрисида қонун талабига кўра тилхат олмайди, қарз олган фуқаронинг ваъдасига ишонади. Оқибатда қарздор қарзини қайтармагач, судга даъво ариза билан мурожаат қилади. Лекин, судга қарздорга қарз берганини тасдиқловчи ҳужжатни тақдим эта олмайди. Қарздор эса қарз олганини исботлаб беришни талаб қилади. Албатта, қарз масаласи ҳар бир тарафнинг виждонига ҳавола, лекин қарз берган шахс буни судда исботлай олмагандан кейин...

Агар қарз берувчи қонунга асосан қарз шартномасини нотариал тартибда расмийлаштирганида ёки қарз олувчидан тилхат талаб қилиб олганида бошқача ҳол келиб чиқар эди: қарздор қарз олганини инкор эта олмаган ва низо келиб чиқмаган, қарз берувчи сарсон-саргардон бўлмаган бўлар эди.

Яна бир мисол: ота ўз фарзандини оиласи билан уйдан кўчиришни сўраб судга мурожаат қилади. Фарзанднинг эса яшаш учун бошқа уй-жойи йўқ, мазкур низонинг келиб чиқишига ота-бола ўртасида муносабатларнинг бузилганлиги, фарзанд ўз отасини ҳурмат қилмаётганлиги сабабчи бўлган. Мазкур низони ҳал қилишда суд отанинг ҳам, фарзанднинг ҳам шароитларидан келиб чиқиб, қонунга асосан низони ҳал қилади. Лекин низони ҳал қилишда фақатгина қонунга асосланиш камлик қилади, бунда адолат, оқиллик ва инсонийлик тамойилларини ҳам эътибордан четда қолдирмаслик лозим.

Фуқароларнинг никоҳни бекор қилиш ҳақида судга берган даъво аризалари ҳам кўпинча баҳс-мунозарага сабаб бўлаётир. Мазкур тоифадаги ишларни кўришда судларнинг биринчи вазифаси эр-хотинни яраштириш, оилани сақлаб қолиш чораларини кўриш, ўртадаги фарзандларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш ёки уларни ота ёки она меҳрига зор бўлиб қолишларининг олдини олишдан иборатдир. Эр-хотиннинг ажрашганидан сўнг болалар тарбияси, уларни моддий таъминлаш масаласи туғилади, оилада ота тарбияси бўлмаган фарзандлар ёмон йўлларга кириб кетиши ҳам эҳтимолдан холи эмас, ажрашгандан сўнг ота-оналик вазифалари биргина ота ёки онанинг зиммасига тушади (кўпгина ҳолларда онанинг зиммасига тушади). Шу ҳолатларни ҳисобга олиб, судлар болалар манфаатидан келиб чиқиб низони ҳал қилишлари лозим бўлади.

Баъзида бундай ишларга фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органларини, хотин-қизлар қўмитаси вакиллари ва маҳалла фаолларини жалб қилишимиз лозим. Улар эр-хотин ўртасида тушунтириш ишларини олиб бориши ва уларга чуқур ўйлаб кўриш учун қонунда белгиланган муҳлатни бериши керак.

Албатта, суднинг бундай ҳаракатлари кўпгина ҳолларда ижобий натижа бермоқда. Кўп оилалар ярашиб кетмоқда.

Кейинги вақтда мерос ҳуқуқи билан боғлиқ низолар ҳам бирмунча кўпайди. Ота-онадан қолган мерос мулкка нисбатан ака-ука, опа-сингиллар ўртасида низо келиб чиқмоқда. Ота-она ўз мулкини қонунга асосан васият қилмаганлиги сабабли ака-ука, опа-сингиллар ўртасида низо келиб чиқишига сабаб бўлмоқда. Бу ҳол бизнинг халқимизга, миллатимизга ва урф-одатларимизга маълум маънода номуносибдир. Ота-она тириклигида аҳил-иноқ бўлган ака-укалар, опа-сингиллар, ота-она вафотидан сўнг мерос талашиб бир-бирига қарши бўлиб, қариндошлик ришталарини узадилар. Бу ўта ачинарли ҳол, албатта.

Фуқаролик ишларини судда кўриб чиқишнинг ўзига хос хусусиятлари шундан иборатки, ҳар бир фуқаролик ишига алоҳида ёндашиш, тарафларнинг важларини эътибор ва қунт билан тинглаш, судга тақдим этилган ҳужжатларни диққат билан ўрганиб чиқиш, тарафларнинг шароитини, аҳволини ҳисобга олиш, адолат нуқтаи назаридан ҳал қилиш керак.

Сир эмаски, авваллари фуқаролик ишларига иккинчи даражали иш сифатида қараб келинган. Бу ҳолат фуқаролик ишларининг ўз вақтида кўриб чиқилмаслигига, фуқароларнинг сарсон бўлишларига ва асосли эътирозлар туғилишига олиб келар эди.

Судларнинг ихтисослашуви ва фуқаролик ишлари бўйича судларнинг ташкил қилиниши фуқаролик ишларининг сифатли, қонунда белгиланган муддатларда ва адолатли кўриб чиқишни таъминлашда алоҳида аҳамият касб этди.

Шу ўринда фуқароларнинг ҳуқуқий онги, билими ва маданиятини ошириш юзасидан жойларда тез-тез учрашувлар, суҳбатлар, савол-жавоб кечалари ўтказиш самарали натижа беради. Шу ўринда яна бир масалани алоҳида таъкидламоқчиман. Ҳар бир судья оммавий ахборот воситалари кучидан имкон қадар кенг фойдалана олса, судга асоссиз мурожаатлар камаяди.

Рустамбек ИСЛОМБЕКОВ, Фуқаролик ишлари бўйича Тошкент вилоят суди раисининг ўринбосари

«WORLD TRADE NET» — ИШБИЛАРМОНЛАР ДАСТУРИ

ТОШКЕНТ. (ЎзА мухбири Олим НОРБЕКОВ). Халқаро Бизнес марказида «World trade net» — Жаҳон савдо тармоғи интернет дастурининг тақдимоти бўлиб ўтди. Уни БМТнинг Халқаро савдо маркази ва Жаҳон савдо ташкилоти ҳамкорликда тақдим этди.

«World trade net» интернет саҳифаси бутун дунёдаги савдо-сотиқ масалалари билан шуғулланувчи ташкилотлар учун катта ахборот манбаи бўлиб хизмат қилади. У эндиликда юртимиз кичик ва ўрта бизнес вакилларига дунё савдо оламида рўй бераётган янгиликлардан хабардор бўлиш, ўз бизнес фаолиятини Жаҳон савдо ташкилоти талабларига мос тарзда юритишга кўмаклашади.

Ишбилармонларимизнинг халқаро савдо оламида юз бераётган ўзгаришлардан бохабар бўлиб бориши юртимизнинг Жаҳон савдо ташкилотига аъзо бўлиб киришини янада тезлаштиради.

Маълумотларга қараганда, 1998 йилдан бошлаб Осиё, Африка, Марказий Америка, Марказий ва Шарқий Европада қиркдан ортиқ «World trade net» саҳифалари ташкил этилган. Бу эса ушбу мамлакатларда фаолият юритаётган ишбилармонлар ўртасидаги ўзаро ҳамкорликнинг ривожланишига ёрдам бермоқда.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ АХБОРОТИ

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2003 йил 21 октябрдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек божхона ва бошқа мажбурий тўловлар учун хориж валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:*

1 Австралия доллари	673,30	1 Польша злотийси	247,55
1 Англия фунт стерлинги	1632,38	1 СДР	1392,15
1 Дания кронаси	152,64	1000 Туркия лираси	0,67
1 БАА дирхами	265,56	1 Швейцария франки	730,40
1 АҚШ доллари	975,37	1 ЕВРО	1133,09
1 Миср фунти	159,11	10 Жанубий Корея вони	8,30
1 Исландия кронаси	12,76	10 Япония иенаси	88,82
1 Канада доллари	739,59	1 Россия рубли	32,43
1 Хитой юани	117,85	1 Украина гривнаси	182,94
1 Малайзия рингити	256,71		

*** Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.**

ЯНГИ ГАЗ ТАРМОҒИ

Урганч. (ЎзА мухбири Т.Шамаков). Хоразм вилояти Гурлан тумани «Амударё» ширкат хўжалиги аҳолиси бу йилги иситиш мавсуми арафасида ажойиб совға олди. Энди улар уйларида табиий газдан узлуксиз фойдалана олади.

Бунга ширкат маҳаллаларини туманнинг асосий газ таъминоти тармоғи билан боғлаган янги беш километр узунликдаги газ қувури қурилиши туфайли эришилди. «Хоразмгаз» вилоят бошқармаси буюртмасига кўра «Зангори олов» хусусий ихтисослашган фирмаси қурувчилари қисқа муддатда 22 миллион сўмлик қурилиш-монтаж ишларини амалга оширди.



Маҳсулот — ўзимизники, Ўзбекистонники!

ҚУВАСОЙ ШАРБАТЛАРИ

«DELKONS» ҚЎШМА КОРХОНАСИДА ИШЛАБ ЧИҚАРИЛАЁТГАН «MAESTRO» МАҲСУЛОТЛАРИ ХОРИЖ БОЗОРЛАРИГА ҲАМ КИРИБ БОРДИ

«Қувасойконсерва» заводи 1986 йил ишга туширилса-да кўп ўтмай техника ва технологиялар эскириб, янги асбоб-ускуналар олиб келинмаганлиги сабабли инқирозга учради. Энди уни ночор аҳволдан олиб чиқиш учун сўзсиз чет эл сармоясини жалб қилиш лозим эди...

2001 йил АҚШ ва Италия компаниялари билан ҳамкорликда мева ва сабзавотларни қайта ишлайдиган — «Delkons» — Ўзбекистон — Америка — Италия қўшма корхонаси ташкил этилди. Конвейердан бир-биридан мазали, «Maestro» шартбатларию тамат пасталари чиқа бошлади.

— Уларни пакет ва шиша идишларга чиройли ҳамда сифатли қадоқланишида хориж технологиясининг аҳамияти катта, — дейди корхона раҳбарининг тижорат бўйича ўринбосари Дилшодбек Исматуллаев. — Биз ёзда ишлаб чиқаришга зўр берамиз. Жумладан, жорий йил ҳисобидан 500 тоннага яқин тамат пастаси, 100 тоннадан ортиқроқ олма шартбати ишлаб чиқарилди.

— «Maestro»чи?

— 500000 пакет тайёрланди. Бу ҳозирча талаб ва эҳтиёжга яраша, холос... Лекин, ҳали қиладиган ишларимиз кўп. Мунтазам, тўла қувват билан ишласак деган режаларимиз бор. Яқин орада ўрик, шафтоли, қароли, олма сингари меваларни Германия технологияси асосида қайта ишлашни ҳам мўлжаллаб турибмиз...

Ўз мухбиримиз

❖❖❖

Суратларда: корхонанинг илғор ишчиси Наргиза Турдиева; ишлаб чиқарилган маҳсулотлардан намуна.

М.ҚОДИРОВ (ЎзА) олган суратлар

САНАЙДИЛАР...

Янги туғилаётган чақалоқларнинг 4,7 фоизигина 20 ёшга тўлмаган оналар ҳиссасига тўғри келмоқда, ўлимнинг умумий даражаси ҳар 1000 кишига 5,3 нафарни ташкил этмоқда, оммавий хатарли касалликлар, айниқса, сил касаллигининг олди олинди. Энг қувончлиси, Ўзбекистон аҳолиси тобора ёшариб бормоқда: бугун унинг салкам 11 миллионини эртамизнинг эгалари — 17 ёшгача бўлган ёшлар ташкил этмоқда. Мониторинг қайд этганидек, инсон ривожининг зикр этилган масалалари ва яна бошқа бир қатор йўналишлари бўйича Ўзбекистон эришган амалий натижалар нафақат собиқ шўро давридагидан ёки бугунги МДҲ мамлакатларидан, балки Марказий ва Шарқий Европа давлатларидагидан ҳам барқарорлиги билан ажралиб туради. Бу — Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислоҳотлар ўзининг эзгу мақсади — инсоннинг ҳаётий эҳтиёжларига хизмат қилмоқда, деганидир.

Энди умумиқтисодий ривожланиш масаласига озгина тўхталсак. Дунё тажрибаси шундан гувоҳлик берадики, ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг бир тизимидан янгисига ўтиш барча замонлар ва мамлакатларда ҳамиша оғриқли кечган. Ҳам ички, ҳам ташқи табиатга эга турли-туман омилларнинг таъсири мазкур жараённинг мазмун-моҳияти ва суръатларини белгилаб турган. Ривожланишнинг янги тизимига ўтаётган жамият тараққиётининг муваффақияти ана шу омилларнинг бунёдкор уйғунлигига эришиш, қоларверса, муайян мамлакатга хос бўлган, уни бошқалардан фарқлантириб турадиган имкониятлар ва хусусиятларни соғлом баҳолашга боғлиқ. Бу хусусият коммунистик мафкура зуғумидан халос бўлиб, тараққиётнинг янги босқичига кирган давлатлар тажрибасида ҳам ўзини яққол намоён этмоқда.

Бугун улар танлаган йўлнинг самарадорлигини замоннинг ўзи имтиҳон қилмоқда. Тарозунинг бир палласига яқин ўтмишдаги ҳолатни, иккинчисига эса 12 йиллик жидду жаҳд билан қўлга киритилган натижаларни қўйиб таққосламоқда. Шу ерда яна бир бор ЮНИСЕФ мониторинги кўрсаткичларига қайтамиз. Уларга кўра, 2002 йилда Ўзбекистондаги ялпи ички маҳсулотнинг амалдаги ўсиши 1989 йилга нисбатан 106,8 фоизни ташкил этган. МДҲ давлатлари орасидаги энг юқори бўлган ушбу кўрсаткич, албатта, Ўзбекистон танлаган йўлнинг иқтисодий самарадорлигининг энг ишончли исботидир.

Лекин иқтисодий тараққиёт қийматининг ҳақиқий мезони унинг муайян жамиятни ташкил этувчи ҳар бир фуқарога нечоғлик хизмат қилаётганидир. Агар тараққиёт жамиятнинг барча тоифалари манфаатларини кўзламаса — у ноқисдир. Шу маънода, ишлаб чиқилаётган ялпи ички маҳсулотдан олинаётган умуммиллий даромаднинг жамият ўртасидаги тақсимоти алоҳида аҳамият касб этиб, у тараққиёт соғломлигининг асосий белгиларидан бири саналади. Ривожланган давлатларда ана шу белгининг махсус ўлчови — «Жини» коэффициенти деган алоҳида тушунча мавжуд. Таъкидлаш жоизки, мазкур даромаднинг ҳаммаси ойлик маошлар ва бошқа кўринишдаги тўловлар шаклида тақсимланмайди. Уларнинг катта қисми ижтимоий аҳамиятга молик мақсадли дастурлар орқали одамларга хизмат қилади. Соғлиқни сақлаш ва таълим тизимларини ривожлантириш, болалар, ёшлар, оила, оналик ва кексаларга ғамхўрликни кучайтиришга қаратилган Ўзбекистонда амалга оширилаётган мақсадли дастурлар ана шу даромаднинг адолатли тақсимотини таъминламоқда. Бошқача айтганда, айрим мамлакатларда кузатилаётганидек, даромадларнинг асосий қисми 5-10 нафар олигарх қўлида жамланиб, уларнинг хурмача истаклари йўлида сарфланаётгани йўқ. Бу фазилат ҳам ЮНИСЕФ экспертлари томонидан эътироф этилгани аҳамиятлидир.

ЮНИСЕФ ўтказган мониторинг натижалари ҳақида яна кўплаб мулоҳазалар билдириш мумкин. Аминмизки, бундай мулоҳазалар, албатта, билдирилади.

Зоҳидулла МУНАВВАРОВ,
сиёсий фанлар доктори, профессор

Ҳосил — 2003

ПАХТАКОРДЕК ПОК ПАХТА

ХИРМОНУ ОМБОРЛАРНИ ТЎЛДИРМОҚДА

«Оқ олтин»... Бу — Яккабоғ пахта тозалаш корхонасининг номи. Айни кунларда пахта ортиб унинг дарвозаларидан кириб келаётган уловларни санаб чарчайсиз. Корхона ҳам чарақлаб турибди, негаки у тўла қайтадан қурилди.

— Корхонамиз эллик саккизинчи йилда қурилган, — дейди тайёрлов бўлими бошлиғи Актам Тиллаев. — Пахта «ғарамлари» алоҳида жойда бўлса, қайта ишлаш цехи бошқа жойда жойлашганди. Янги қурилиш давомида бу ноқулайлик бартараф этилди. Янги ускуналар ўрнатилди. Ҳозир корхона қуввати 25 минг тонна пахтани қайта ишлашга етади. Бундан ташқари, ингичка толали пахтани қайта ишлаш имкони ҳам бор.

— Юқори ва сифатли ҳосил яхши уруққа боғлиқ, — дейди корхона уруғчилик лабораторияси бошлиғи Ибодулла ака. — Бу йил туманда 19 минг тоннага яқин, шу жумладан, 2346 тонна уруғлик пахта етиштириш мўлжалланган. Бунинг учун 5 та уруғчилик хўжалиги тузилган бўлиб, корхонада уруғлик чигит алоҳида ажратиб олинади.

Далаларга йўл олдик. Деҳқонлар ғўза парвариши об-ҳаво ноқулайлиги туфайли кечикканини айтишарди. Аммо кўнгиллари тўқ. Чунки мўл ҳосил етиштирилган. Ҳисоб бўйича туманда 7,5 минг киши пахтачилик соҳасида меҳнат қилаётган экан. Агар уларнинг оилаларида ўртача 4-5 киши борлигини ҳисобга олсак, пахтачилик қанча аҳолига нон-насиба улашаётганини англаса бўлади.

Бу йил туманда пахтанинг «Бухоро-6» ва «С-65-30» навлари етиштирилмоқда. Биз уруғлик пахта экилган «Соҳибқирон» ширкатининг Дўстқобил Тангатов бош пудратчи бўлган даласига бордик. Терим қизғин.

— Бу йил 585 гектар майдонда пахта етиштираяпмиз, — дейди бош ҳосилот Маҳмуд Тўраев. — Кейинги ўн йил ичида бирор йил ҳам режа бажарилмай қолмаган. 380 гектар ерда уруғлик пахтамиз бор. У тўлиқ қўл билан териб олинади. Тумандаги «Бухоро-6» навининг 80 тонна супер-элита уруғлик пахтасининг ҳаммасини бош пудратчимиз Дўстқобил Тангатов етиштириб беради.

— Ўзим ҳақимда нима дейин, — гап бошлайди қўллари темирдек қотган, паҳлавонкелбат Дўстқобил Тангатов. — Йигирма йил трактор ҳайдадим. Тўқсонинчи йил ер олиб, ишлай бошладим. Худога шукр, турмушимиз ёмон эмас. 60 гектар майдондаги ғўзаларимизга қаранг, ҳосили кўзни қамаштиради. Режани бажарсак, уруғлик бўлгани учун яна 200 фоиз устама қўшиб бериларкан. Биринчи теримдаёқ 40 тонна супер-элита пахта топширдик. Иккинчи теримда эса буюртма бажарилди. Ҳосилдорлик 36 центнердан анча ошади, насиб бўлса...

Мен шундай ўйлайман: пахтанинг меҳнати оғир. Энг пок қалби инсонлар пахтакорлар. Пахтакордек пок пахта хирмонларни тўлдирсин...

Юнус УЗОҚОВ

Қонун ва ҳаёт

САЙЛОВЛАРНИ ДЕМОКРАТЛАШТИРИШ ЙЎЛИДАГИ ЖИДДИЙ ҚАДАМ

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг шу йил 29-30 август кунлари бўлиб ўтган навбатдаги XII сессиясида бошқа долзарб қонун ва ҳужжатлар билан бир қаторда «Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Қонун қабул қилинди.

Қонунга киритилган ўзгартиш ва қўшимчалар билан танишиб чиққанимдан сўнг фикр-мулоҳазаларим билан ўртоқлашишни жоиз деб топдим.

Авваломбор, киритилган ўзгартиш ва қўшимчалар сайловчиларимизга нима беради, деган савол устида мулоҳаза юритиб кўрайлик.

Биринчидан, Қонун моддалари янада равон ва аниқ тус олганини қайд этмоқ лозим.

Иккинчидан, Қонун демократик руҳ билан кенгроқ суғорилиб, бугуннинг талабига жавоб берадиган даражага кўтарилган.

Учинчидан, унда мустақиллик йилларида мамлакатимизда ўтказилган сайловлар жараёнида орттирилган ижобий тажриба ва албатта, ривожланган мамлакатлар амалиётидан фойдаланилганлиги яққол кўриниб турибди.

Амалдаги «Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида»ги Қонунга жами олтмишдан зиёд ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди.

Қонунга киритилган бошқа ўзгартиш ва қўшимчаларнинг муҳимлиги ҳамда аҳамиятини инкор этмаган ҳолда, менинг назаримда, энг жиддий ҳисобланмиш, иккита тузатишга эътибор қаратмоқчиман.

Булар: 6-модданинг тўртинчи қисмига киритилган ўзгартиришлар ва 22-модданинг янги таҳриридир.

6-модданинг тўртинчи қисми қуйидаги таҳрирда баён қилинган:

«Сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишга доир барча тадбирларда, шунингдек, сайлов куни овоз бериш хоналарида ва овозларни санаб чиқаришда депутатликка номзодлар кўрсатган сиёсий партиялардан, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларидан, сайловчилар ташаббускор гуруҳидан биттадан кузатувчи, оммавий ахборот воситаларининг вакиллари, бошқа давлатлар, халқаро ташкилотлар ва ҳаракатлардан кузатувчилар қатнашиш ҳуқуқига эгадирлар. Уларнинг ваколатлари тегишли ҳужжатлар билан тасдиқланган бўлиши керак».

Кўриниб турганидек, ушбу модда сайловларни тайёрлаш, ўтказиш ва натижаларини чиқариш жараёнини янада очиқ ва ошкора ўтишига хизмат қилади.

22-модданинг номи ўзгартирилиб «Депутатликка сиёсий партиялар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан номзодлар кўрсатиш», деб номланган.

Ушбу модда номининг ўзида, келаси сайловларда сиёсий партияларга, бевосита фуқароларга, демакки, ҳар сайловчига нақадар катта демократик имкониятлар берилаётганлиги кўриниб турибди.

Энди халқ депутатлари вилоят Кенгашлари депутатлигига номзодлар фақат сиёсий партияларнинг вилоят сайланма органлари томонидан кўрсатилади.

Халқ депутатлари туман ва шаҳар Кенгашлари депутатлигига номзодлар эса сиёсий партияларнинг тегишли туман, шаҳар сайланма органлари томонидан ҳамда фуқаролар йиғинларида (вакиллари йиғилишларида) кўрсатилади.

Қонунга мувофиқ сиёсий партиялар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тегишли ҳудудда жойлашган ҳар бир сайлов округидан биттадан депутатликка номзод кўрсатишга ваколатлидир. Депутатликка, қоида тариқасида, тегишли вилоят, туман ёки шаҳар ҳудудида ишловчи ёки яшовчи фуқаролар номзод этиб кўрсатиладилар. Депутатликка номзодлар танлаш тартибини сиёсий партияларнинг ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг ўзлари белгилайдилар. Сиёсий партиялар фақат ўз партияси аъзоларини ёки партиясизларни депутатликка номзод этиб кўрсатишга ваколатлидир, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари эса фуқароларнинг у ёки бу партияга мансублигидан қатъи назар, депутатликка номзод этиб кўрсатишга ҳақлидирлар.

Юқорида қайд қилинганидан кўриниб турибдики, Қонун сиёсий партия ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига депутатликка номзодларни танлашлари учун барча ҳуқуқ ва имкониятларни бермоқда. Эндиги асосий вазифа, давлат ҳокимияти маҳаллий вакиллик органларига муносиб кишиларнинг номзодларини кўрсата билиш ва сайловчилар томонидан ўз овозларини уларнинг ичидаги энг муносибларига беришларини таъминлашдан иборатдир. Олий Мажлисга сайлов тўғрисидаги Конституциявий Қонунга биноан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг юқори палатаси — Сенат аъзоларининг 84 нафари Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари депутатлари таркибидан шакилланади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг «Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга киритиш тўғрисидаги қарорига кўра Қонун 2004 йилнинг 1 июлидан эътиборан, демакки 2004 йилнинг декабрь ойида Олий Мажлисга, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесига, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига бўлажак сайловлардан ярим йилга яқин вақт қолганида амалга киритилади.

Бўлажак сайловлар натижалари мустақил давлатимизнинг икки палатали парламентининг шакилланишига тўбдан таъсир кўрсатишини инобатга олган ҳолда, ўйлайманки, ҳозирдан эътиборан Ўзбекистон Республикаси Конституциясига киритилган ўзгартишлар ва қўшимчаларни, сайловлар, Қонунчилик палатаси ва Сенат тўғрисидаги қонунларнинг мазмун-моҳиятини партиямиз ташкилотлари меҳнат жамоалари, аҳоли яшаш жойларида кенг омма орасида чуқур ўрганилишини ташкил қилсалар фойдадан холи бўлмас эди. Шунда сайловларни тайёрлаш ва ўтказиш вақтига бориб, биз нафақат сайлов комиссияларининг малакали аъзоларига, балки савияли сайловчиларга ҳам эга бўлар эдик.

Маҳмуд ТОИРОВ,
сиёсатшунос

ДЕВОР ҚУРИЛИШИ ОХИРИГАЧА ЕТКАЗИЛАДИ

АҚШ ва бошқа воситачи давлатлар қарши бўлишига қарамай Исроил ҳукумати Фаластин чегарасида тикланаётган муҳофаза девори қурилишини охирига етказади. Буни Исроил бош вазири Ариэл Шарон Jerusalem Post газетасига берган интервьюсида алоҳида таъкидлади.

Маълумки, Исроил ўз ҳудудига Фаластин жангарилари суқилиб киришининг ва улар томонидан турли террорчилик ҳаракатлари содир этилишининг олдини олиш мақсадида Иордан дарёсининг ғарбий қирғоғидаги чегара ҳудудларида муҳофаза девори қуришни бошлаган эди. Бироқ бу девор қурилишини АҚШ ҳам, бошқа воситачи давлатлар ҳам маъқулламадилар. Шунингдек, Фаластин ҳам бунга қарши. Негаки, девор Фаластиннинг айрим ҳудудларини қамраб олмоқда. Бу эса икки қўшни ўртасида можаро авж олишига сабаб бўлмоқда. Шунинг учун ҳам АҚШ ҳукумати таназзул ёқасида турган Исроил иқтисодиётини қўллаб-қувватлаш учун ажратмоқчи бўлган (буни Америка Конгресси ҳам тасдиқлаган) молиявий кредитнинг маълум қисмини (агар Исроил девор қурилишидан воз кечмаса) чегириш ҳақида огоҳлантирди. Бундан ташқари Исроил дарёсининг ғарбий қирғоғи ҳамда Ғазо секторида яҳудийлар учун турар-жойлар қурилиши тўхтатилишини Исроилдан талаб қилди.

Бироқ Исроил бош вазири Ариэл Шарон муҳофаза девори қурилиши давлат хавфсизлигини таъминлашда муҳим аҳамиятга эга, дея уни охирига етказиш лозимлигини алоҳида уқтирди.



МУЗОКАРАЛАР НАФ БЕРМАДИ

Корея Халқ Демократик Республикасининг ядро дастури муаммолари юзасидан олиб борилган Жанубий Корея билан Шимолий Корея ўртасидаги музокара самарасиз якунланди.

Ренхап агентлигининг хабар беришича, Пхеньянда 4 кун давом этган музокараларнинг 12-раундида ҳам томонлар ядро дастури масаласида бир-бирига «яқинлаша» олмадилар. Ҳатто бу масала икки томон делегациялари берган баёнотда ҳам ўз аксини топмади. Бу эса Корея ярим оролининг ядро муаммосидан халос бўлиши йўлида саъй-ҳаракат олиб бораётган давлатларнинг кўп томонлама мулоқоти истиқболига путур етказиши мумкин. Балки шунинг учунми, ҳар қалай томонлар ноябрь бошларида Пхеньянда Шимолий Корея ва Жанубий Корея иқтисодий кўмак ҳамкорлик қўмитасининг еттинчи мажлисини, шунингдек, ҳукуматлараро музокараларнинг янги раундини 2004 йил 3-6 февралда ўтказишга келишиб олдилар.

Жанубий Корея Сеул ва Пхеньян ўртасидаги алоқалар ривожига КХДРнинг ядро муаммоси халақит бераётганини уқтираётган бўлса, ўз навбатида Шимолий Корея бу муаммо фақат Вашингтон билан Пхеньянга тегишли эканлигини рўкач қилмоқда.

Маълумки, шу йил август ойида мазкур масала юзасидан кўп томонлама, яъни АҚШ, Россия, Хитой, Шимолий Корея ва Жанубий Корея давлатлари ўртасида Пекинда музокаралар бўлиб ўтган эди. Аммо ўша музокоралар ҳам самарасиз якунланганди. Ўшанда КХДР агар АҚШ бу масалага ўз ёндашувини ўзгартирмаса бундай музокаранинг қизиғи йўқлиги ҳақида баёнот берган эди.

Хуллас, КХДРнинг ядро дастури ҳануз муаммолигича қолмоқда.

КОНТИНГЕНТ ҚИСҚАРТИРИЛАДИ

АҚШ маъмурияти Ироқ хавфсизлиги ва ички тартибини сақлаш вазифасини бошқа давлатлар қўшинларига бериш эвазига ўз қўшинлари контингентини келгуси йилдан қисқартиришни мўлжаллаб турибди. Пентагон вакили Дов Закхейм вакиллар палатасининг бюджет қўмитасида сўзга чиқиб, бу ҳақда маълум қилди. «Биз 2004 йилда Ироқдаги Америка ҳарбий контингенти сонини 147 мингдан 113 мингтагача қисқартиришни режалаб турибмиз» деди у.

Унинг айтишича, Ироқдаги халқаро контингентлар сони 170 мингтагача кўпайтирилиши назарда тутилган. Агар бунинг уддасидан чиқилса, АҚШ ўз контингентини яна қисқартиришига имконият яратилади.

Ироққа оид янгиликлар хусусида яна шуни айтиш мумкинки, АР агентлигининг маълум қилишича, АҚШ сенати Ироқни қайта тиклаш ва иқтисодиётини изга солиш учун 10 миллиард доллар кредит ажратишга қарор қилди.

Эслатиб ўтамиз: Президент Буш 20,3 миллиард доллар ажратиш таклифи билан чиққан эди. Бироқ бу масала АҚШ Конгрессининг қуйи палатасида овозга қўйилганда 435 депутатдан 226 нафари қарши овоз берди. Уларнинг айтишича, Ироқда ички резервлар етарли, уларга кредит ажратиш мамлакат иқтисодиёти ривожини секинлаштиради, холос.

Аммо қонун лойиҳаларини қабул қилишда қуйи палата эмас, балки сенатнинг овози асосий роль ўйнайди.

Лондон кўчаларида

ҚИРҚ УЧ МИЛЛИОН ЕВРО АЖРАТИЛАДИ

«Новости» агентлигининг хабар беришича, озиқ-овқат етишмовчилиги хавфини бартараф этиш учун Еврокомиссия 4 та давлатга 43 миллион евро миқдорида маблағ ажратишга қарор қилди.

Шундай қилиб қашшоқликни камайтириш дастурига асосан Шимолий Корея ва Тожикистонга — 8 миллион евродан, Мадагаскарга — 9, Мозамбикка — 18 миллион евро ажратилади.

ДУНЁДАГИ ЭНГ БАЛАНД БИНО

Шу кунгача Малайзия пойтахти Куала-Лумпурдаги осмонўпар эгиз бино (452 метр) — Petronas Towers дунёдаги энг баланд бино ҳисобланарди. Эндиликда эса у иккинчи ўринга тушиб қолди (Нью-Йоркдаги собиқ осмонўпар Жаҳон савдо маркази эса 417 метрни ташкил этарди).

Гап шундаки, яқинда, аниқроғи, жума куни Тайбэйда 101 қаватли маъмурий бинонинг 60 метрли гумбазини тантанали очиш маросими бўлиб ўтди. Шундай қилиб бинонинг умумий баландлиги 508 метрни ташкил этди.

Маълумки, 2001 йил 11 сентябрь куни Нью-Йоркдаги осмонўпар Жаҳон савдо марказида содир этилган террорчилик ҳаракати дунё архитекторлари олдига баланд бинолар қурилишига мақсадга мувофиқлик даражаси нуқтаи назаридан ёндашувни кўндаланг қўйган эди. Шунинг учун ҳам Куала-Лумпурдаги мазкур бино янги талабларга жавоб бера оладиган қилиб қурилди. Буни қурилиш бошида турган архитекторлар тасдиқламоқда. Уларнинг айтишича, дея хабар беради Reuters агентлиги мухбири, «Тайбэй-101» биноси жуда мустаҳкам қурилган. Бирор-бир кор-ҳол юз берган такдирдаям бино ичидаги одамларни олиб чиқиб кетишга вақт етарли бўлади, яъни бино 7 баллик ер силкинишига ҳам бардош бера олади.

Бино келгуси йилда тўлиқ фойдаланишга топширилади. Унда савдо маркази, маъмурий идоралар, фирма офислари, шунингдек, Тайбэй жамғарма биржаси жойлашади. Қисқаси, бир вақтнинг ўзида 12 минг ходим шу бинода иш олиб боради.



Бино дунёдаги энг тезкор 34 та лифт билан ҳам таъминланади. У соатига 60 километр тезликда ҳаракатланиб, тўқсонинчи қаватга 40 сонияда чиқа олади.

Иқтисод ва ислоҳот

ЛИЗИНГ ФАОЛЛИГИ ОШМОҚДА

дейди Навоий вилояти «Бизнес-фонд» бошқармаси бошлиғи Даврон ШАРИПОВ

— Аввало, жорий йилда бошқарма томонидан вилоятда кичик ва ўрта бизнес ҳамда хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга йўналтирилган Дастур ижросига оид рақамлар билан таништирсангиз.

— Ҳозирга қадар уларга режадаги 135 млн. сўм ўрнига 228,2 млн. сўмлик (169 фоиз) молиявий кўмак берилди. Бунинг 100,6 млн. сўми кичик ва ўрта бизнес субъектлари, деҳқон ҳамда фермер хўжаликларининг бошланғич сармояларини шакллантиришга йўналтирилди. 95,5 млн. сўми эса имтиёзли кредит сифатида ажратилди...

— Энди лизинг ва уни олувчилар фаоллиги ҳақида...

— Лизинг — хусусий, кичик ва ўрта тадбиркорлик субъектлари активларининг ошишида, шунингдек, ишлаб чиқаришнинг юксалишида катта аҳамиятга эга. Бошқармамиз бу борадаги ишларга алоҳида эътибор бериб, бугунгача тадбиркорларга режадаги 10 млн. сўм ўрнига 32 млн. сўмлик кичик ҳажмдаги технологиялар, асбоб-ускуналар (мармар тошлар кесадиган жиҳозлар, тракторлар, «Зингер» русумли тикув машиналари, кичик ҳажмли тегирмонлар)ни лизинг асосида ажратди. Улар ҳисобига 841 та янги иш ўринлари очилди.

Биласиз, иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишда тадбиркорлик субъектлари раҳбарларини ўқитиш ва уларга турли ахборот-консалтинг хизматлари кўрсатиш ҳам муҳим роль ўйнайди. Бу борада бизда ташкил этилган ахборот-консалтинг марказининг фаолияти ҳар томонлама ибратли. Жумладан, қисқа вақт ичида режадаги 120 ўрнига 123 нафар тадбиркорлик субъектлари раҳбарлари махсус курсларда ўқитилди. 93 нафар тадбиркорга бошланғич ва имтиёзли кредитлар олишлари учун зарур ҳужжатларни тайёрлашга кўмак берилди.

— Берилаётган кредитларнинг самараларини аниқ субъектлар мисолида айтиб ўтсангиз...

— Ажратилган кредитлар эвазига тадбиркорлик субъектларининг асосий қисми қишлоқ хўжалиги, маиший хизмат сингари соҳаларда маҳсулот ишлаб чиқараяпти. Масалан, Нурота туманидаги «Гулистон» фермер хўжалиги (раҳбари М.Раҳимов) 7,0 млн. сўмга мармар тошларни қайта ишлаш ускунасини лизинг асосида олиб, бугунги кунда ойига ўртача 650 кв.метр мармар плиталар тайёрлашга эришаяпти. Айни шу лизинг лойиҳаси бўйича 22 та янги ишчи ўрни очилди.

Навоийдаги «Карманасут» ишлаб чиқариш корхонаси (раҳбари М.Бопилов) 11,8 млн. сўмлик сутни қайта ишлаш ускуналарини лизинг асосида олиб, вилоят аҳолисининг сут маҳсулотларига бўлган талабини қондириш йўлида яхши натижаларга эришаяпти. Бу ерда эндиликда йилига 3750,0 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилмоқда. Қизилтепа туманидаги «Зилола» жамоа корхонаси (бошлиғи Р.Саломов) олган 6 млн. сўмлик имтиёзли кредит ҳам аҳолига йилига 263 млн. сўмлик маиший хизмат ва қурилиш ишлари амалга оширилишини таъминлаяпти. Хатирчи туманидаги «Ассалом» фермер хўжалиги (раҳбари Б.Раҳмонов) 8,5 млн. сўмлик имтиёзли кредит олиб, томат пастасини ишлаб чиқаришни йўлга қўйганидан ўзи ҳам ютди, давлат ҳам...

Бошқарма жамоаси булар билангина чекланиб қолмаяпти. Вазирлар Маҳкамасининг 1995 йил 26 июлдаги қарорига мувофиқ фонд томонидан тўғридан-тўғри ажратилаётган кредитларни вақтида қайтариш билан ҳам мунтазам шуғулланмоқдалар. Муддати ўтган қарзларни ундириш юзасидан зарур чора-тадбирлар кўрмоқдалар.

Суҳбатдош: Абдумутал НОРБОЕВ

Муаммо, мулоҳаза

АППАРАТ ЯНГЛИШАДИМИ ЁКИ ШИФОКОР?..

Ультратовуш ташҳиси тиббиётимизга кириб келганига унча кўп вақт бўлгани йўқ. Ҳозирда ички касалликларнинг аксарияти УТТ орқали текширилиб, шу асосда даволаш чоралари кўрилади. Бироқ, УТТ берган хулосаларнинг тўғри эканлигига кафолат борми? Сабаби, баъзан нотўғри ташҳис сабаб ундан шикоят қилувчилар ҳам учраб туради. Хўш, ташҳис нотўғри қўйилган бўлса ким айбдор — УТТ аппаратими ёки шифокор? Биз шу саволга жавоб топиш мақсадида бир неча ташҳис марказлари фаолияти билан танишдик.

— «ECHOSKANNER ES 100 A» аппаратидан фойдаланяпмиз, ҳар ҳолда йўқдан кўра бори, — дейди Тўрткўл туман касалхонаси шифокори Ражаббой Ёқуббоев. — Баъзан ташҳиснинг тўғрилигига шубҳа қилсак беморни қўшни Беруний туманига жўнатамиз.

Ажабланарлиси, бир неча марта шифокор томонидан касаллик аломатлари тасдиқланса-да, лекин аппарат панд бериши оқибатида беморлар ортиқча оворагарчиликларга мажбур бўлмоқда. Бир сафар аппарат бемор буйрагидаги хасталик аломатини кўрсатиб беролмади. Шунда у Беруний туман ташҳис марказида кўрикдан ўтишига тўғри келди. У ерда шифокорнинг гумони тасдиқланди. Аппаратнинг «хато»си бир беморнинг тақдирини ҳал қилиб қўйишига оз қолган экан.

Буйрақдаги тошни аниқлаш унчалик мураккаб эмас, бунга ўртача малакали шифокорнинг ҳам билими етади. Лекин Р.Ёқуббоев ишлаётган аппарат УТТнинг энг кекса авлодларидан. Бунинг устига хизмат қилаётганига ўн йилдан ошибди...

Тўрткўлда кўрган-билганларимиз бизни навбатдаги манзилга чорлади. Беруний туман ташҳис марказида бўлиб, халқ орасида «дўхтир Гена» деб ном чиқарган шифокор Геннадий Пакнинг ишини бир зум кузатдим. У узоқ йиллик тажрибага эга эмасми, ранги сарғайиб, қовоқлари салқиган бемордаги касалликни бир неча дақиқа ичида аниқлаб берди. Бемор қувонганча УТТ хулосаларини олиб чиқиб кетди. Бу уни даволаётган шифокор учун муҳим, негаки у шунга кўра муолажани белгилайди.

— Бу ернинг довруғини эшитиб онамни текширтиргани олиб келдим, — дейди Амударё туман, Қиличбой қишлоғидан келган Ҳайитбой Сафарбоев. — Дўхтирларга раҳмат, бирпасда уларнинг касалини аниқлаб беришди.

Марказ фаолиятида ҳам юқоридагидек воқеалар тез-тез учраб туради. Масалан, яқинда қўшни тумандан келган бир бемор буйрагида касаллик мавжудлиги аниқланган. Энг қизиғи, илгари УТТдан унга буйрагида ўзгаришлар йўқ, дея хулоса берилган экан. Шунга асосан муолажа белгиланган. Аммо беморнинг аҳволи ўнгланмагач, у яна УТТга мурожаат қилади. Бу сафар таниш-билишларнинг маслаҳатига амал қилиб, Беруний туман ташҳис марказига келади. Унга пешоб йўлида тош борлиги ҳақида текшириш хулосалари маълум қилинади.

Бундай мисолларни кўплаб келтирса бўлади. Муҳими, аппаратнинг аниқлаш қобилияти юқори ва уни ишлатаётган шифокорда етарли тажриба бўлсагина аниқ хулоса ҳақида гапириш мумкин. Аммо аппарат эскирган бўлса шифокорнинг тажрибаси ҳам, билими ҳам панд бериши мумкин.

— Нукусдаги Оналар ва болалар марказида, 1-республика шифохонасида ва бошқа бир неча шифохоналарда Япония гранти билан олинган УТТ аппаратлари мавжуд. Қўнғирот ва Кегайли туманларида ҳам ҳокимлик кўмаги билан замонавий аппаратлар олинди. Тўрткўл, Қонликўл, Шўманай, Мўйноқ, Нукус туманларида Польшада ишлаб чиқарилган портатив аппаратлардан фойдаланиляпти. Бу аппаратлар ҳозир ишлаб чиқарилмайди, шу боисдан таъмирлаш қийин, эҳтиёт қисмлар топилмайди, — дейди «ККмедсервис» масъулияти чекланган жамияти директори Юсуп Достонов.

Дарвоқе, Геннадий Пак ишлатаётган «ALOCA SSD — 630» аппарати ҳам баъзан ишдан «бош тортиб» тураркан. У 1989 йил туман пахта тозалаш заводи томонидан шифохонага совға қилинган.

— Ҳар қандай ускуна вақт ўтиши билан ўз вазифасини тўлиқ бажаролмай қолиши маълум. Ташҳисдаги ноаниқлик, хатоликларга аппарат ҳам, шифокор ҳам сабабчи бўлиши мумкин. Шифокорларга УТТда ишлаш малакасини бериш бўйича бир қанча ишларни амалга оширяпмиз, — дейди Қорақалпоғистон Соғлиқни сақлаш вазирлигининг УТТ бўйича бош мутахассиси Қўшай Тинибеков.

Мутахассислар билан суҳбатда ультратовуш ташҳисидаги хатоликка ким айбдор — аппаратми ёки шифокор деган саволга жавоб топгандек бўлдик. Шахсан УТТ бўйича бироз бўлса-да маълумотга эга бўлган киши ультратовуш ташҳисига мурожаат қилишдан олдин аввало аппаратнинг қаерда ишлаб чиқарилгани ва неча йилдан буён хизмат кўрсатаётганини аниқлаб олади. Иккинчи масала — шифокорнинг билими ҳақида маълумот олиш ҳам муҳим. Негаки, ҳеч ким «менинг тажрибам оз» деб тан олмайди, ахир!

Шу ўринда савол туғилади: ўз ҳудудидаги УТТ аппаратлари эскириб қолгани учун маблағ сарфлаб қўшни туманга қатнаётган беморлар нима қилсин? Бу саволни соҳа мутахассисларига, қолаверса, Соғлиқни сақлаш вазирлигининг мутасаддилари эътиборига ҳавола этмоқчимиз.

Шарофат ЙЎЛДОШЕВА,
«Ўзбекистон овози» мухбири

Бугун — ўзбек тилига Давлат тили мақоми берилган кун

ТИЛИМИЗ — ТИРИКЛИГИМИЗ

ОНА НОМИ ҚЎШИБ АЙТИЛАДИГАН СЎЗЛАР ЛУҒАТ БОЙЛИГИМИЗДА У ҚАДАР КЎП ЭМАС. БУ МУҚАДДАС ТУЙҒУ САНОҚЛИ СЎЗЛАРИМИЗ БИЛАН ЁНМА-ЁН ҚЎЛЛАНАДИ. УЛАР — ОНА ЕР, ОНА ВАТАН, ОНА ТИЛИ...

Она тилининг мавқеи, қадр-қиммати йўлидаги курашлар тарихи қадим даврларга бориб тақалади. Бу эзгуликнинг ибтидоси бўлмаганидек, интиҳоси ҳам бўлмайди. Маҳмуд Кошғарийнинг XI асрда ёзган «Девони луғотат-турк» асари ўша давр маданий ҳаётида, тилшунослик тарихида янги саҳифа очган бўлса, ўз даврининг нафасини берувчи «Қутадғу билиг» асари тилимиз ички имкониятларини янада кенгроқ кўрсатиб берди. Тилнинг бош бунёдкори она халқимиз эса минг йиллар қаъридан оғзаки ижодимиз нодир намуналарини бизгача етказиб келди. Бу даврда ўлмас асарлар дунёга келди.

XV асрда она тилимиз янада юксалди. Бунда шубҳасиз буюк Навоий ва унинг замондошлари хизматлари беқиёсдир. Шоир ўз она тилининг ҳақиқий билимдони, заргари, тадқиқотчиси, куйчиси сифатида майдонга чиққан бўлса, ундан руҳланган ижод аҳли тилимиз софлиги, унинг гўзаллиги, ички имкониятларини очиб бериш йўлида изланди. Ушбу давр дунё адабиётига «Хамса», «Муҳокамат-ул луғатайн», «Лисонут тайр», «Бобурнома» каби нодир дурдоналарни берди ва ҳақли равишда Алишер Навоий ўзбек адабий тилининг асосчиси дея улуғланди. Тилимизни камситувчи, бу тилда асарлар яратиб бўлмайди дегувчи кимсаларга шу хилда зарба берилган эди.

Адабиётларни варақлаганимизда тилимизни улуғламаган, уни мадҳ этмаган бирор ижодкор йўқ. Бунинг боиси нимада? Чунки ўз тилини унутган халқнинг келажаги ҳам йўқ. Она тилини қадрламаган миллат ўзга тилларни ҳам сева олмайди.

Она тилим —
онажоним тили бу,
Бешикданоқ сингган
жону қулоққа.
Элу юртим,
хонумоним тили бу,
Қадимликда ўхшар
она тупроққа.

XX аср миллат тақдирида, Ватан кўксида улкан оғриқлар қолдириш билан бирга буюк ўзгаришларни ҳам бера олди. Шунинг учун ҳам мамлакат мустақиллиги, она тилимиз озодлиги асри бўлди бу аср. Мустабид тузум яғона тил васвасасида сиёсат юритган ўша оғир лаҳзаларда халқ ўз тилини номус-ори, ўзлиги каби сақлади. Ойбек «Навоий» романида буюк шоирнинг она тилимиз учун курашларини меҳр билан тасвирлади. Давлат ишларидан, илм-фандан тилимиз тобора сиқиб чиқарилаётганидан норози бўлган зиёлиларимиз томонидан тил тўғрисида ўнлаб асарлар, юзлаб шеърлар битилди.

1989 йил она тилимизга давлат тили мақомини бериш йўлида халқ ўз раҳбари, зиёлилари билан бирлашиб ҳаракатга келди. Тилимиз озодлигимиздан олдинроқ мустақиллликни қўлга киритди. Тили уйғоқ, тили эркли халқ эса Йўлбошчиси раҳбарлигида бутун дунёга Ўзбекистон мустақиллигини эълон қилди. Озод овозимиз дунё бўйлаб янгради. Ўзбек тилида китоблар нашр этилиши, илмий-тадқиқот ишлари олиб борилишига кенг йўл очилди. Нуфузли минбарларда ўзбек номи, ўзбек тили ғолиб жаранглади.

Мана 14 йилдирки, ўзбек тилига давлат тили мақоми берилган кун — 21 октябрь тил байрами сифатида мамлакатимизда кенг нишонланиб келмоқда.

Улуғ шоиримиз Миртемир айтганидек:

Боболардан бизга мерос,
эзгу тил,
Авлодларга хазинайи
бебаҳо.
Қалбимизга, жонимизга
кўзгу тил,
Бу дунёга бергай ҳали
кўп даҳо...

Фаррух ҲАМРОЕВ

Суратда: бугунги ёш авлод тафаккурида она тилимизга бўлган чуқур эҳтиром туйғусини шакллантириш кўп жиҳатдан устозларнинг маҳорати, тажрибасига боғлиқ. Тошкент шаҳар, Ҳамза туманидаги 307-ўрта мактаб ўқитувчиси Раъно Алиева ана шундай ўз касбининг фидойиларидандир.

Шавкат АКРАМОВ олган сурат

СПОРТЧИЛАРИМИЗ МАРКАЗИЙ ОСИЁ ЎЙИНЛАРИДА

38 ТА ОЛТИН МЕДАЛНИ ҚЎЛГА КИРИТДИЛАР



14-20 октябрь кунлари Тожикистон пойтахти Душанбеда ўтказилган V Марказий Осиё ўйинларида Ватанимиз спортчилари ана шундай юксак натижани қўлга киритдилар. Мусобақада вакилларимиз дастурдан жой олган 10 та спорт турининг саккизтаси бўйича (волейбол, баскетболдан ташқари) ўз маҳоратларини намойиш этишди.

Бокс бўйича ўн бир вазн тоифасида рингга чиққан «чарм қўлқоп» усталаримизнинг барчаси совриндорлар сафидан жой олганликлари айниқса қувонарлидир. Халқаро майдонларда шуҳрат қозонаётган Баҳодир Султонов (54 кг.), Бехзод Хидиров (57 кг.), Дилшод Маҳмудов (64 кг.), Шерзод Абдураҳмонов (75 кг.), Икром Бердиев (81 кг.), Сергей Михайлов (91 кг.) ҳамда Рустам Саидов (+91 кг.)лар Марказий Осиёда тенгсиз эканликларини яна бир карра исботладилар.

Эркин кураш бўйича Дилшод Мансуров (60 кг.) ўз жамғармасига V Марказий Осиё ўйинлари олтин медалини ҳам қўшиб қўйди. Қизиқарли ва муросасиз кечган беллашувларда, шунингдек, Адҳам Очилов (55 кг.), Магомед Ибрагимов (96 кг.)лар олтин, Пўлат Ўразимбетов (66 кг.), Магомед Гаджилалов (84 кг.) кумуш, Азиз Улохунов (74 кг.) бронза медаллари билан тақдирланди.

Юнон-рум кураши баҳсларида ҳам вакилларимиз рақибларига сабоқ бердилар. Келгуси йили Афинада бўладиган ёзги олимпиадага йўлланмани қўлга киритиш учун астойдил ҳаракат қилаётган спортчиларимиз бу нуфузли мусобақада яна бир бор кўрикдан ўтишди. Дилшод Орипов (60 кг.), Баҳодир Қурбонов (64 кг.), Евгений Ерофайлов (74 кг.), Жаҳонгир Турдиев(81 кг.)лар олтин, Камол Холматов (55 кг.), Руслан Биктяков (74 кг.)лар кумуш ҳамда Рудольф Киблер (120 кг.) бронза медалларига сазовор бўлди.

Пойтахт аэропортида спорт делегациямизни кузатиш чоғида умидли теннисчимиз Иванна Исроилова шундай деганди: «Мен Марказий Осиё ўйинларида илк маротаба қатнашаяпман. Лекин шунга қарамай, дугонам Оқгул Омонмуродова билан ушбу мусобақада албатта ғолиблик учун курашамиз».

Дарҳақиқат, ракеткачиларимиз сўзларининг устидан чиқишди. Теннис баҳсларининг қизлар ўртасидаги яккалик учрашувлари финалида Иванна ўзи айтганидек, Оқгул Омонмуродовага рўбаро келди. Бу ўйинда Оқгул ғалаба қозонди. Жуфтлик учрашувларида ҳам Исроилова/Омонмуродовалар жуфтлиги мутлақ ғолиб бўлди.

Эркаклар ўртасидаги мусобақада Мурод Иноятов олтин медаль билан тақдирланган бўлса, жуфтлик баҳсларида Мурод Сарвар Икромов билан бирга кортга чиқди. Фақат ҳал қилувчи учрашувда улар Қозоғистон вакилларига имкониятни бой беришди.

Мусобақанинг дзюдо, таэквондо (WTF), енгил атлетика, милтиқдан ўқ отиш турлари бўйича ҳам спортчиларимиз қатор олтин, кумуш ҳамда бронза медаллари соҳиби бўлдилар.

❖ ❖ ❖

Кеча Ўзбекистон спорт делегацияси Тошкент аэропортида кенг жамоатчилик томонидан катта тантаналар билан кутиб олинди. Газетамизнинг навбатдаги сонида спортчиларимизнинг V Марказий Осиё ўйинларидаги иштироки тўғрисида батафсил тўхталамиз.

Эркин ХОЛБОБО

Суратда: дзюдо бўйича V Марказий Осиё ўйинлари чемпиони Ўткир Саломов (+100 кг.).

Анвар ИЛЁСОВ («Жаҳон» АА.) олган сурат

Спорт

КУЧЛИЛАР АНИҚЛАНДИ

Чирчиқ шаҳрида биатлон бўйича республика шахсий биринчилиги бўлиб ўтди. Бу мусобақа беш йилдан буён ҳарбий-амалий кўпкураш ва биатлон спорт турларини ривожлантиришга катта ҳисса қўшган, умрининг сўнгги дамларигача Ватанига ва ўз хизмат вазифасига содиқ қолган мард ва жасур инсон С.В.Ничипуренко хотирасига бағишлаб ўтказиб келинмоқда.

Спорт устаси марҳум Сергей Владимирович Ничипуренко бир неча маротаба Ўзбекистон чемпионати ва биринчилиги ғолиби бўлган эди. Республика спорт-ўқ отиш клубида, кейинчалик Республика техник ва амалий спорт турлари марказида ҳарбий-амалий кўпкураш бўйича мураббий сифатида кўплаб истеъдодли спортчиларни тарбиялади.

Уч кун давом этган мусобақада спорчилар 3000 ва 8000 метрга югуриш пойгаси, 10 метр ва 50 метрга кичик калибрли қуролдан ўқ отиш, тик турган ҳолда нишонга олиш, ётган ҳолатда ўқ отиш бўйича ўз маҳоратларини намоён этишди.

Мусобақа якунларига кўра, қизлар ўртасида югуриш бўйича Дилафрўз Имомҳусанова (Тошкент вилояти), Анна Коробко (Тошкент), Муҳаббат Кандокова (Наманган), ўқ отиш баҳсида ўсмирлар ўртасида Азизжон Топволдиев (Фарғона), эркаклар ўртасида Руслан Носиров (Самарқанд) фахрли биринчи ўринни эгалладилар.

Саид ВАЛИЕВ

Ҳикматли сўзлар маъноси

ЙЎҒОН ЧЎЗИЛГУНЧА, ИНГИЧКА УЗИЛАДИ

Мажозан: «Оғир кунлар келганда бойлар то қўр-қутлари тугаб, қашшоқлашиб қолгунларига қадар, қўр-қути, жамғармаси йўқ камбағаллар очдан ўлиб кетадилар», деган маънода айтилади. «Бор чўзилар, йўқ узилар»; «Семиз ориқлагунча, ориқ ўлади»; «Кенг кенгашиб йиртилар, Тор тортишиб йиртилар» (Одатда кишига кенгроқ бўлиб турадиган кийим ҳадеганда йиртилавермайди, тор кийим эса эҳтиётсизлик билан қилинган қўполроқ ҳаракатга чокидан сўкилиб, йиртилиб кетади. Бу — мазкур мақолнинг тўғри маъноси. Мажозан: «Бой бирданига камбағаллашиб, ҳоли хароб бўлиб қолмайди, камбағал эса арзимаган, кичкина муваффақиятсизлик оқибатида ҳам қаттиқ азият чекади», дейилмоқчи.)

ЙИГИТНИНГ ЯХШИ ЙЎЛДОШИ — МАРДЛИК

«Йигит ўзига энг яхши, энг содиқ, йўлдош истаса, мардликни йўлдош қилсин. Мардлик уни ҳеч қачон йўлдан оздирмайди, хорзор қилмайди», деган маъно яширинган. Бу мақолнинг «Йигитга мардлик ярашади»; «Йигитликнинг зийнати — мардлик»; «Йигитликнинг нишонаси — мардлик» деган вариантлари ҳам бор.

Интер-спорт

ЖАҲОН ФУТБОЛ ЧЕМПИОНАТИНИ ЎТКАЗИШГА ДАЪВОГАРЛАР

Ливия ҳукумати 2010 йили бўладиган навбатдаги жаҳон футбол чемпионати финалини ўз мамлакатларида ўтказиш учун оз эмас, кўп эмас 9 миллиард АҚШ доллари ажратишлари мумкинлигини маълум қилди. Бахрейн пойтахти Доха шаҳрида ФИФАнинг навбатдан ташқари икки кунлик конгресси ўтказилаётган пайтда Ливия томони ана шундай фикрни билдирди. Мамлакатнинг миллий футбол федерацияси бош котиби Абдул Магед Бушвешнинг таъкидлашича, 1930 йилдан бери ўтказилиб келинаётган жаҳон футбол чемпионати тарихида бундай катта маблағ ажратилмаган экан. «Бирдан-бир умидимиз, жаҳон чемпионатини ўтказмоқчи бўлган мамлакатлар ўртасидаги танловда ғолиб чиқишдир», — дейди Абдул Магед. ФИФА чемпионатнинг финал қисмини Африкада ўтказишга қарор қилганини эса мухлислар яхши билишади. Чемпионатни ўтказишга Миср, Марокаш, Тунис, Жанубий Африка Республикаси ҳам даъвогарлик қилмоқда.

Ўзбекистон ХДП МК Котибияти Фарғона вилояти ҳокимининг ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси Г.М.Маъруповага отаси
Маҳмуд МАЪРУПОВнинг
вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон ХДП МК Котибияти Бухоро вилоят Бухгалтерлар ва аудиторлар миллий ассоциацияси раиси, иқтисод фанлари доктори, партия Марказий Кенгаши ҳузуридаги Экспертлар гуруҳи аъзоси С.С.Ҳайитовга онаси
МУАЗЗАМ аянинг
вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон ХДП Шайхонтоҳур туман кенгаши Тошкент шаҳар ҳокимлигининг масъул ходими Ҳадича Саломовна Атаматовага падари бузруквори, ЎзХДП аъзоси, «Бўстон» маҳалла фуқаролар йиғини раиси, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган халқ таълими ходими
Абдусалом ота АТАМАТОВнинг
вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Халқлар Дўстлиги саройи жамоаси шу сарой директори С.А.Нуриддиновга отаси
Аминжон НУРИДДИНОВнинг
вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

РЕСПУБЛИКА КЎЧМАС МУЛК БИРЖАСИ
Тошкент шаҳар филиали

2003 йил, 24, 31 октябрь кунлари аукцион савдоларини ўтказади.

Аукцион савдосига қўйилган объектлар қўйилади:
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Илмий-техник тараққиётини мувофиқлаштириш кенгаши ҳузуридаги Фан ва технологиялар марказининг Тошкент шаҳар, Юнусобод тумани, Х.Сулаймонова кўчаси, 29-уйда жойлашган шўъба корхонаси шаклидаги «NITEX» замонавий ахборот технологиялари агентлиги.
Бошланғич нархи — 947 000 сўм ёки 980 АҚШ доллари.
Тошкент шаҳар, Чилонзор тумани, К.Ерматов кўчаси, 2-уйда жойлашган «АЗИМУТ-РУМБ» давлат кичик корхонаси.
Бошланғич нархи — 9 967 900,0 сўм ёки 10 290,0 АҚШ доллари.
Аукцион савдолари соат 11.00 да бошланади.
Савдоларда қатнашиш учун объект нархидан 10 % миқдорида закалат пули тўланади.
Аукцион савдоларига қўйилган кўчмас мулклар учун аризалар савдодан бир соат аввал тўхтатилади.

МУРОЖААТ УЧУН МАНЗИЛ:
Тошкент шаҳар, Шайхонтоҳур тумани, А.Қодирий кўчаси, 13-уй.
Телефонлар: 144-44-73, 144-71-78, 144-92-30.

Тошкент шаҳар, Бектемир тумани, Ж.Остонов кўчаси 8-уйнинг иккинчи қаватида жойлашган «Toshkent Dekorativ Tosh Mahsulotlari» yopiq aksiadorlik jamiyati shaklidagi O'zbekiston — Turkiya qo'shma korxonasi (ОКПО 18557861, ИНН 204135495)
ТУГАТИЛАДИ.
Кредиторларнинг талаблари икки ой муддат ичида 195-98-19, 192-99-27 телефонлари орқали ёки қўшма корхона жойлашган манзилда қабул қилинади.
ТУГАТИШ КОМИССИЯСИ

BOSH MUHARRIR
Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI
Abdulla ORIPOV
Abdulhafiz JALOLOV
Azimjon AYUPOV
Aziz NOSIROV
Ashur QODIROV
Bobir ALIMOV
Habib SA'DULLA
Norbobo SHAKAROV (Bosh muharrir birinchi o'rinbosari)
Alimqul SULTONOV (Bosh muharrir o'rinbosari)
Andrey ORLOV (Bosh muharrir o'rinbosari «Golos Uzbekistana»)
Nomoz SA'DULLAYEV
Rahima HAKIMOVA
To'lepbergen QAIPBERGENOV
Abdug'ani MAMASODIQOV (Mas'ul kotib)

MUASSIS:
O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

BO'LIMLAR:
Siyosat, partiya va xalqaro hayot 133-44-55
Ma'naviyat va ma'rifat 133-69-45
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot 133-20-36
Parlament va huquq 136-57-20
Axborot, sport va harbiy vatanparvarlik 133-21-43
Xatlar va ommaviy ishlar 133-12-56 (Tel. Faks)
Kotibiyat 133-72-83
Reklama va e'lonlar 133-38-55, 133-47-80, 133-06-83 (Tel. Faks)

VILOYAT MUXBIRLARI:
Andijonda — 25-16-16
Buxoroda — 222-10-92
Gulistonda — 25-03-80
Jizzaxda — 5-49-85
Navoiyda — 3-39-20
Namanganda — 6-43-43
Nukusda — 222-70-12
Samarqandda — 35-20-54
Urganchda — 226-51-35
Farg'onada — 26-43-62
Termizda — 3-79-98

MANZILIMIZ:
700000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO'CHASI, 32-UY.

Navbatchi
Ravshan SHODIYEV

Gazeta «O'zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.
Sahifalovchi-dasturchilar
Ikromjon ISMOILOV
Elyor UBAYDULLAYEV

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

Gazeta O'zbekiston Respublikasi Davlat Matbuot Qo'mitasida 00004-raqam bilan ro'yxatga olingan.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi.
Hajmi 2 bosma taboq.
«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.
Г — 961
7662 nusxada bosildi
Topshirish vaqti — 21.00.
Topshirildi —
2 3 4 5 6
SOTUVDA ERKIN NARXDA